

Бақара сураси, 160-оят

09:55 / 27.12.2017 4783

Тавба қилиб, ислоҳ қилиб, баён қилганлар мустаснодир, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман. Ва Мен тавбани кўплаб қабул қилувчидирман, ўта раҳмлидирман. Бақара 160.

Аллоҳдан келган ҳақиқатни беркитиш жуда ҳам катта гуноҳ эканини билишимиз учун оятдаги гапларни тадаббур қилиб кўрайлик. Бу гуноҳнинг ёмонлигини билгач, тавба қилишнинг ўзигина тавбанинг қабулига кифоя қилмас экан. Балки тавбадан кейин аҳли солиҳлардан бўлиб, яхши ишларни қилиб ва аввал бузган нарсаларини тuzатиб ҳамда одамлардан беркитган нарсаларини баён қилиб, тушунтириб берганларидан сўнггина уларнинг тавбасини қабул қилишини Аллоҳ таоло таъкидлаяпти.

«Тавба қилиб, ислоҳ қилиб, баён қилганлар мустаснодир, ана ўшаларнинг тавбасини қабул қилурман».

Оятнинг охирида Аллоҳ таоло Ўзининг тавбани кўплаб қабул қилувчи, раҳмли Зот эканини эслатиб, кишиларни умидвор бўлишга ундамоқда.

«Ва Мен тавбани кўплаб қабул қилувчидирман, ўта раҳмлидирман».

Яъни **«Мен тавбани кўплаб қабул қилувчи ва раҳмлидирман».**

Аллоҳ раҳмли бўлмаганида, ҳақиқатни яширган одамларнинг гуноҳини ҳеч кечмас эди. Аммо Аллоҳ раҳмли экан, деб, ким нимани хоҳласа, қилавермайди.